

## МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ

UR57616473

2022 й. «30» 8

69-6-85-OB/2022-сон

Тўрақўрғон ш.

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "БУЮРТМАЧИ" деб юритилувчи Тўрақўрғон туман Ободонлаштириш бошқармаси номидан бюджет ташкилоти раҳбари М.Аппоқов бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи «MUSAFFO YANGI ASR» МЧЖ номидан иш кўрувчи Ж.Мусаев иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Етказиб берувчи" "Буюртмачи"га туман худудига экиш учун мавсумий гул кўчатларини келишилган муддатларда етказиб бериш, "Буюртмачи" эса етказилган гул кўчатларини қабул қилиш ва туман худудига экиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Махсулотлар уларнинг сони, нархи, шунингдек етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

### II. "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" НИНГ СИФАТИ.

2.1 Етказиб бериладиган "товар (махсулот)"нинг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликка асосан етказиб бериладиган товар ва моддий-қийматликлар учун белгиланган ГОСТ ва бошқа меъёрларга мувофиқ бўлиши ҳамда сифат сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёни билан тасдиқланиши шарт.

2.2. Махсулот "Буюртмачи" томонидан аванс тулови амалга оширилгандан кейин "Етказиб берувчи" гул кўчатларини етказиб беради.

### III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги махсулотларини етказиб берилишини талаб қилиш;

зарур сифатга эга бўлмаган махсулотлари етказиб берилмаган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган махсулотлари шунга ўхшаш махсулотлари билан алмаштирилишини;

- камчиликлар бепул бартараф этилишини

- баҳосининг мутаносиб тарзда қамайтирилишини талаб қилиш;

мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Етказиб берувчи"дан талаб қилиш.

3.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган махсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

3.3. "Етказиб берувчи" куйидаги ҳуқуқларга эга:

Етказиб берилган махсулотлар учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини харидордан талаб қилиш;

берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган махсулотларни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини Харидордан талаб қилиш.

3.4. "Етказиб берувчи" куйидагиларга мажбур:

"Бюджет ташкилоти"га гул кўчатлари етказиб беради. «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 5.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва микдорда етказиб бериш;

#### **IV. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **199 999 410 (Бир юз тўқсон тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг тўрт юз ўн)** сумни ташкил этади.

Етказиб бериладиган Махсулотларнинг бир бирлик баҳоси мазкур шартномага иловада (Спецификация) кўрсатилган. Агар махсулотларнинг амалдаги бозор баҳолари ўзгарса. Етказиб бериладиган махсулотлар бир бирлигининг баҳоси томонларнинг ўзaro ёзма келишувларига асосан ўзгартирилиши мумкин.

4.2. «Буюртмачи» етказиб бериладиган мавсумий гул кўчатлари учун умумий суммасининг 30 % фоизи микдорида олдиндан ҳақ тўлайди. Мавсумий гул кўчатлари етказиб берилгандан сунг узил-кесил ҳисоб-китоб қилинади.

4.3 Етказиб берилган "махсулотлар" учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

#### **V. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ**

5.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

5.3. Етказиб берилган махсулотларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

5.4. «Буюртмачи»нинг розилиги билан "Товар" махсулотлари муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва " Харидор " томонидан қабул қилинган махсулотлар учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган махсулотлар ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

5.5. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган махсулотларни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

5.6. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда маҳсулотлар етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган маҳсулотлар ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва етказиб берилмаган маҳсулотларнинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай маҳсулотлар етказиб бериш "Харидор"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги ёки талабномаси бўйича амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

5.7. Етказиб берилган маҳсулотлар бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган маҳсулотлар миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

5.8. Мазкур шартномада назарда тутилган маҳсулотлар етказиб бериш мазкур шартномага мувофиқ ёки "Бюджет ташкилоти"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Етказиб берувчи" "Буюртмачи"нинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.

Буюртманома маҳсулотларининг тегишли туркумларини етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Етказиб берувчи"нинг ходими "Бюджет ташкилоти"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

5.9. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд маҳсулотларининг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

## **VI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Томонлар ўртасида келишилган жадвал бўйича келган транспортнинг белгиланган муддатлардан ортиқча туриб қолганлиги учун айбдор томон бекор туриб қолганлик билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлайди. Бекор туриб қолиш вақти томонлар ўртасида имзоланган далолатномага мувофиқ расмийлаштирилади.

6.2. Етказиб берилаётган маҳсулотлар сифати, миқдори "Етказиб берувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Етказиб берувчи" етказиб берилаётган маҳсулотларининг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари "Харидор"га нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.3. Агар етказиб берилган маҳсулотларининг сифати, ассортименти, навлари, стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон етказиб берилган, сифати зарур даражада бўлмаган маҳсулотлари қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.4. Маҳсулотлар етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Харидор"га кечиктирилган ҳар бир

кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва маҳсулотлари етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

6.5. Етказиб берилган Маҳсулотлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.6. "Харидор" томонидан тегишли контракция шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контракция шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Етказиб берувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

"Етказиб берувчи"нинг айби билан контракция шартномасининг "Харидор" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Етказиб берувчи" томонидан қопланади.

6.8. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## **VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

7.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## **VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ**

8.1. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади. Шартномани тегишли газначилик бўлинмасидан руйхатдан утгандан сунг қонуний кучга кирилади.

8.2 Шартномани амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача

## **IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибда бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланиб, Газначилик бўлинмаси томонидан белгиланган тартибда

рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

**Х. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:**

**«Буюртмачи»**

Туракурғон туман Ободонлаштириш  
бошқармаси

шхв: 100022860142247011503110002

ХККМ МБ Бош бошқармаси Тошкент  
шаҳри Марказий банки

МФО: 00014 ОКНХ 90290

СТИР 200096611

Туракурғон шаҳри. Касонсой кучаси

Телефон : 44-21-369

Ўзбекистон Республикаси Молия

Вазирлиги Туракурғон туман

Газначилиги

23402000300100001010

ИНН: 201122919 МФО: 00014



М.Аппаков

**"ЕТКАЗИБ**

**БЕРУВЧИ"**

«MUSAFFO YANGI ASR» МЧЖ

Наманган вилояти Наманган тумани

Тошбулок курғони Ахунوف кучаси

5-уй

Х/Р: 20208000905244676001

Халк банки Тошбулок филиали

МФО: 00720 ОКНХХ \_\_\_\_\_

СТИР 307514271

Телефон: \_\_\_\_\_



Ж.Мусаев

Юрист \_\_\_\_\_ Ф.И.О. Лицензия раками  
№ \_\_\_\_\_

Туракурғон туман Ободонлаштириш бошқармаси ва «MUSAFFO YANGI ASR»  
МЧЖ ўртасида тузилган умумий суммаси 199 999 410 (Бир юз тўқсон тўққиз миллион  
тўққиз юз тўқсон тўққиз минг тўрт юз ўн) сумлик 2022 йил 30 августдаги №  
69-6-85-05/2022 сонли шартномага

СПЕЦИФИКАЦИЯ

--	--	--	--	--	--

№	Махсулот ёки хизмат номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Киймати
1	Катарантус гул кўчати	Дона	69571	850	59 135 350
2	Петунья гул кўчати	Дона	93000	650	60 450 000
3	Салвия гул кўчати	Дона	87089	600	52 252 200
4	Райхон кўчати	Дона	11567	780	9 022 260
5	Чиннигул кўчати	Дона	8600	636	5 469 600
6	Зина гул кўчати	Дона	5200	875	4 550 000
7	Шафрам гул кўчати	Дона	7600	1200	9 120 000
	Жами				199 999 410

**«Буюртмачи»**

Туракуртон туман Ободонлаштириш  
бошкармаси

шхв: 100022860142247011503110002

ХККМ МБ Бош бошкармаси Тошкент шаҳри

Марказий банки

МФО: 00014 ОКНХ 90290

СТИР 200096611

Манзил: Туракуртон шаҳри. Касонсой кучаси


Телефон : 44-21-369

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Туракуртон туман Газначилиги

23402000300100001010

ИНН: 201122919 МФО: 00014

 М.Аппаёв

**"ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ"**

«MUSAFFO YANGI ASR» МЧЖ

Манзил :Наманган вилояти Наманган  
тумани Тошбулок кургони Ахунов кучаси 5-  
уй

Х/Р: 20208000905244676001

Халк банки Тошбулок филиали

МФО: 00720 ОКНХ \_\_\_\_\_

СТИР 307514271

Телефон: \_\_\_\_\_



Ж.Мусаев

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA  
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA

HUQUQIY XULOSA

№ UR57616473

1. Loyiha turi: Shartnoma

2. Loyiha nomi:

To'raqo'rg'on tuman obodonlashtirish boshqarmasi hamda «MUSAFFO YANGI ASR» mas'uliyati cheklangan jamiyati o'rtasida **199 999 410 (bir yuz to'qson to'qqiz million to'qqiz yuz to'qson to'qqiz ming to'rt yuz o'n) so'mlik** mahsulot yetkazib berish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:

To'raqo'rg'on tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 30-avgust kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga, "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonun talablariga hamda qonunchilik texnikasi qoidalariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

To'raqo'rg'on tuman yuridik xizmatlar  
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti



M.Izbosarov

30-avgust 2022-yil

## МУХОКАМА АХБОРОТИ

“ 30” август 2022 йил

Тўрақўрғон туман

Тўрақўрғон туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан 2022 йил 26 августдаги 22110012140293-сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича туман ҳудудидга гул кўчатлари екиш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича MUSAFFO YANGI ASR MCHJ ва FLOWERS OF NAMANGAN MCHJ томонидан таклифлар берилган. Берилган таклифлар ичидан комиссия аъзолари иштирокида MUSAFFO YANGI ASR MCHJ энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62- моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш кун ичида танлав иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ҳолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Давлат буюртмачи ташкилоти раҳбари

Давлат буюртмачи ташкилоти бош ҳисобчиси

 М.Аппоқов

 М.Гиясов





## XALQ DEPUTATLARI TO'RAQO'RG'ON TUMANI KENGASHI QARORI

2022 - yil 15 - avgust

VI-36-58-6-85-K/22

To'raqo'rg'on tumani hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 126-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сонли қарорини ижросини таъминлаш, туман Давлат солиқ инспекциясининг 2022 йил 21 июлдаги 27-03826-сонли, Ўзбекистон Ногиронлар Жамияти Тўрақўрғон туман бўлинмасининг 2022 йил 5 июлдаги 19-сонли, Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти Наманган вилояти Тўрақўрғон туман бўлинмасининг 2022 йил 15 июндаги 4-сонли, туман Ободонлаштириш бошқармасининг 2022 йил 1 августдаги 126-сонли хатларини кўриб чиқиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сонли қарорини ижросини таъминлаш, туман Давлат солиқ инспекциясининг 2022 йил 21 июлдаги 27-03826-сонли, Ўзбекистон Ногиронлар Жамияти Тўрақўрғон туман бўлинмасининг 2022 йил 5 июлдаги 19-сонли, Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти Наманган вилояти Тўрақўрғон туман бўлинмасининг 2022 йил 15 июндаги 4-сонли, туман Ободонлаштириш бошқармасининг 2022 йил 1 августдаги 126-сонли хатларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига мувофиқ ҳамда халқ депутатлари Тўрақўрғон туман Кенгаши

### Қ А Р О Р   Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сонли

қарорини ижросини таъминлаш, туман Давлат солиқ инспекциясининг 2022 йил 21 июлдаги 27-03826-сонли, Ўзбекистон Ногиронлар Жамияти Тўрақўрғон туман бўлинмасининг 2022 йил 5 июлдаги 19-сонли, Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти Наманган вилояти Тўрақўрғон туман бўлинмасининг 2022 йил 15 июндаги 4-сонли, туман Ободонлаштириш бошқармасининг 2022 йил 1 августдаги 126-сонли хатларини кўриб чиқиб инobatга олиб, ушбу топшириқларни бажарилиши билан боғлиқ харажатларнинг асосий қисми туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил 2-чорак даромадлар режасини ортиғи билан бажарилган қисми ҳисобидан амалга оширилаётгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил 2-чорак даромадлар режасини ортиғи билан бажарилган қисми ҳисобидан ҳисобидан 30 фоизли миқдорда “Фуқаролар ташаббуси” жамғармасига 809 900,0 (саккиз юзи тўққиз миллион тўққиз юз ) минг сўм, “Аёллар дафтари” жамғармасига 305 000,0 (уч юз беш) минг. сўм, “Ёшлар дафтари” жамғармасига 502 781,0 (беш юз икки миллион етти юз саксон бир) минг сўм, ободонлаштириш бошқармасига 2022 йил давомида туман ҳудудига экилган гул кўчатлари учун 200 000,0 (икки юз миллион) минг. сўм, туман ҳудудини кўкаламзорлаштириш мақсадида ирригатсия тизимини тортиш учун 104 537,0 (бир юз тўрт миллион беш юз ўттиз етти) минг. сўм, 4 та сектор раҳбарларининг жойлардаги сайёр қабулларида аҳолининг мурожаатларидан келиб чиқиб туман ҳудудида жойлашган қолоқ маҳаллалардаги ички кўчаларни шағаллаштириш мақсадида дизел ёнилғиси учун 150 000,0 (бир юз элик миллион) минг. сўм, тумандаги 4 та сектор раҳбарларининг жойлардаги сайёр қабулларида ногиронларни талабларидан келиб чиқиб ногиронлар аравачалари ҳамда эшитиш мосламалари олиб бериш учун 35 000,0 минг.сўм, 2022 йил 2-чорак Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Тўрақўрғон туман бўлинмаси ходимлари иш ҳақиси ва иш ҳақиға нисбатан ажратмаси учун 14 768,0 (ўн тўрт миллион етти юз олтмиш саккиз) минг. сўм, Ўзбекистон ногиронлар жамияти Тўрақўрғон туман бўлинмаси ходимлари иш ҳақиси ва иш ҳақиға нисбатан ажратмаси учун 17 904,0 (ўн етти миллион тўққиз юз тўрт) минг. сўм, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг жорий йил 11 февралдаги ҳайъат йиғилишининг  $\frac{3}{4}$ -сонли қарорига асосан туман Давлат солиқ инспекциясига тежамкор электр-энергияси тизимидан фойдаланиш мақсадида куёш панелини ўрнатишда 50 фоизли тўлови учун 67 000,0 (олтмиш етти миллион) минг.сўм жами 2 206 890,0 (икки миллиард икки юз олти миллион саккиз юз тўқсон) минг сўм йўналтирилсин.

3. Тўрақўрғон тумани ҳокимининг ҳокимининг биринчи

ўринбосари Б.Қобулов, туман ҳокимининг ўринбосари А.Тўраевга, туман ҳокимлиги ҳисобчисига, туман Давлат солиқ инспекцияси Ш.Азбеков, туман ободонлаштириш бошқармаси М.Аппақовларга ҳаражатларни амалга оширишга масъул ташкилотлар раҳбарларига:

ажратилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш:

молиялаштириш манбасини очиш учун ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатларни туман молия бўлими ва туман ғазначилик бўлинмасига тақдим тақдим этиш:

ажратилган маблағлардан тўғри, мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш:

ажратилган мақсадли маблағларни ўз вақтида ва самарали ишлатилиши юзасидан молиявий ҳисоботлар асосида тизимли ўрганиш ҳамда ўрганиш натижаларига кўра ишлатилмаган ва иқтисод қилинган маблағларни туман маҳаллий бюджетига қайтариш чораларини кўрсинлар.

4. Туман ҳокимлигининг молия бўлими (У.Ахмедходжаев)га туман маҳаллий бюджет ҳаражатларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиш, туман ғазначилик бўлинмаси (Д.Дадабоев)га тўловларни ўрнатилган тартибда ва ўз вақтида амалга ошириш ҳамда ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш вазибалари топширилсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорати туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қобулов ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси раиси Т.Босиджановлар зиммасига юклатилсин.

6. Мазкур оралик қарорни тегишли тартибда тасдиқлаш учун Халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилсин.

7. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ депутатлари туман  
Кенгаши раиси



А.Мансуров

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 140293 на приобретение Туман худудига экиладиган гул кучатлари учун**

Способ проведения электронный

Дата 26.08.2022

Время рассмотрения 26.08.2022 10:21

Конкурсная комиссия Туракуртон туман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	APPOQOV MUXAMMADJON PO'LOTOVICH	Бошкарма бошлиги	комиссия раиси
<b>Секретарь комиссии</b>	ERGASHEV AZIZBEK RUSTAMOVICH	булим бошлиги	комиссия котиби
<b>Член комиссии</b>	Daminov Shuxrat Saydaxmadxonovich	бош мухандис	КОМИССИЯ аъзоси
<b>Член комиссии</b>	DADAXONOV ISLOM XON XOSHI MOVICH	Булим бошлиги	КОМИССИЯ аъзоси
<b>Член комиссии</b>	XATAMOV ALISHER ABDIBANNAYEVICH	булим бошлиги	КОМИССИЯ аъзоси
<b>Член комиссии</b>	PATTAYEV ABDULXODI AXADOVICH	тех надзор	КОМИССИЯ аъзоси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 26.08.2022 года № лота 140293.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф. технико-квалификационной части: 100,00 / Весовой коэф. ценовой части: .00)

Мин. балл: 75

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Шафран</b>
Подробное описание	Шафрам гул кучати
Количество товара	7 600.00
Единица измерения	*
Цена товара (услуги) за единицу	1 200.00
Стартовая сумма	9 120 000.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Рассада зины</b>
Подробное описание	Зини гу кучати
Количество товара	5 200.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	875.00
Стартовая сумма	4 550 000.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Рассада бонанзы</b>
Подробное описание	Чинигул кучати
Количество товара	8 600.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	636.00
Стартовая сумма	5 469 600.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Рассада Райхона</b>
Подробное описание	Райхон гул кучати
Количество товара	11 567.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	780.00
Стартовая сумма	9 022 260.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Катарантус</b>
Подробное описание	Каиарантус гул кучати
Количество товара	69 571.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	850.00
Стартовая сумма	59 135 350.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Рассада Салвия</b>
Подробное описание	Салвия гул кучати
Количество товара	87 087.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	600.00
Стартовая сумма	52 252 200.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Рассада Петунии</b>
Подробное описание	Петуния гул кучати
Количество товара	93 000.00

Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	650.00
Стартовая сумма	60 450 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Охирги уч йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлар, аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаси билан)Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлар Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 % гача миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Охриги уч йилликдаги молиявий аҳволи, ҳисоб рақамида маблағ мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси, ишчиларни рўйхати ва сони

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MUSAFFO YANGI ASR MCHJ	25	молиявий натижа ва ходимлар	25	Экспертная		
FLOWERS OF NAMANGAN MCHJ	25	молиявий натижалар ва айланма маблағлар ҳақида маълумот	23	Экспертная		

Критерий №2 Гул экиладиган майдонларини ўрганиш

Тип: Текстовое значение

Описание: Бошқарма ограноми билан туман ҳудудида экиладиган гул кучатлари мослилигиу урганиш

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MUSAFFO YANGI ASR MCHJ	5	Жой билан танишганлик	5	Экспертная		
FLOWERS OF NAMANGAN MCHJ	5	кафолат хати	4	Экспертная		

Критерий №3 Гул етиштириш бўйича охирги 3 йиллик иш тажрибаси Буюртмачи тавсифига кўра

Тип: Текстовое значение

Описание: Уч йиллик меҳнат фаолияти, етиштирилган гул кучатлари ва имконияти

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MUSAFFO YANGI ASR MCHJ	15	иш тажрибаси	15	Экспертная		
FLOWERS OF	15	шартнома	13	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMANGAN MCHJ						

Критерий №4 Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Гувохнома , глу етиштириш учун мавжуд иссиқхоналари тўғрисида маълумот ва литцензия

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MUSAFFO YANGI ASR MCHJ	18	Ташкилот Хужжатлари	18	Экспертная		
FLOWERS OF NAMANGAN MCHJ	18	гувохнома,низом	18	Экспертная		

Критерий №5 Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Гул кучатларин ташиб бериш имконияти.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MUSAFFO YANGI ASR MCHJ	20	Ташкилот машиналари	20	Экспертная		
FLOWERS OF NAMANGAN MCHJ	20	кафолат хати	18	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
FLOWERS OF NAMANGAN MCHJ	199 999 410.00	199 999 410.00 UZS	199 999 410.00	00.00	199 999 410.00	25.08.2022 20:46:12	00.00
MUSAFFO YANGI ASR MCHJ	199 999 410.00	199 999 410.00 UZS	199 999 410.00	00.00	199 999 410.00	25.08.2022 14:18:59	00.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
FLOWERS OF NAMANGAN MCHJ	91.566	0	91.566
MUSAFFO YANGI ASR MCHJ	100	0	100



Закупочная комиссия по конкурсу лот № 140293 от 26.08.2022 года на приобретение Туман худудига экиладиган гул кучатлари учун определила победителем:

MUSAFFO YANGI ASR MCHJ  
307514271

и резервный исполнитель: FLOWERS OF NAMANGAN MCHJ (308978596)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	APPOQOV MUXAMMADJON PO'LOTOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	Daminov Shuxrat Saydaxmadxonovich	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	DADAXONOV ISLOMxon XOSHIMOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XATAMOV ALISHER ABDIBANNAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	PATTAYEV ABDULXODI AXADOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП